

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

НУРЫШОВ ДАРМЕНБАЙ ЕСНАЗАРОВИЧ

**ЁШ КУРАШЧИЛАРДА БАЗАВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата доктора философии (PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Нурышов Дарменбай Есназарович

Ёш курашчиларда базавий элементларни шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш3

Нурышов Дарменбай Есназарович

Совершенствование научно-методических основ формирования базовых элементов у юных курашистов 23

NurishovDarmenbayEsnazarovich

Perfection of the scientific and methodological foundations of the formation of basic elements in young kurashists..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017. Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

НУРЫШОВ ДАРМЕНБАЙ ЕСНАЗАРОВИЧ

**ЁШ КУРАШЧИЛАРДА БАЗАВИЙ ЭЛЕМЕНТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.04 - Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Ped.209 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.uz-djti.uz), “ZiyoNET” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Усманходжаев Талъат Саидович
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сулаймонов Суннатулло Сулаймонович
техника фанлари доктори, профессор

Пулатов Фазлиддин Мухидинович
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил “___” “_____” соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот – ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.: (0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uz-djti.uz, e-mail: uzdjti@uzzdjti.uz. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети маъмурий биноси, 2-қават, анжуманлар зали).

Диссертация автореферати 2018 йил “___” _____ куни тарқатилган.
(2018 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Д.Халмухамедов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
пед.ф.д., профессор

С.С.Тажигаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий
котиби, пед.ф.б.ф.д., доцент

Б.Б.Мусаев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси ўринбосари, пед.ф.н., доцент

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ҳар бир миллатнинг урф-одатлари, миллий анъаналари, ижтимоий келиб чиқишини акс эттирувчи миллий спорт турлари мавжуд. Миллий спорт турлари ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом ва ақлан етук қилиб тарбиялашда энг самарали восита сифатида қўлланилади. Яккакураш спорт турлари, жумладан ўзбек кураши жаҳоннинг барча қитъаларида ривожланиб оммавийлашаётган спорт турларидан бири ҳисобланади. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида мазкур спорт турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларни тайёрлаш тизимини замон талабларига мослаштириш юзасидан кенг қўламли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Яккакурашчиларни ҳар томонлама тайёрлаш, ёш курашчиларнинг техник ҳаракатлари самарадорлигини оширишда усуллар комбинациясидан фойдаланиш, мусобақа фаолияти натижавийлиги ўсиши учун мусобақа олди тайёргарлигини оптималлаштириш, турли техник-тактик ҳаракатларни ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Жаҳонда ёш курашчиларни тайёрлаш назарияси ва амалиётида бошланғич тайёргарлик босқичига болаларни танлаб олиш, турли тайёргарлик босқичларида ўқув машғулотларини режалаштириш, базавий техник элементларни оқилона ўзлаштиришга ёрдам берувчи энг мақбул восита ва усулларни ишлаб чиқиш, шуғулланувчиларнинг ёшга хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда тезлик, куч, чаққонлик, чидамлилиқ ва эгилювчанлиқ сифатларини ривожлантиришга доир кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Турли тайёргарлик босқичларида ўқув-машғулотлар жараёнида ёш курашчиларни техник-тактик ҳаракатларнинг базавий элементларига ўргатиш услубияти, мусобақа фаолиятининг хусусиятларини моделлаштириш юзасидан илмий изланишлар ўтказилган. Бугунги кунда турли тайёргарлик босқичларида спорт кураши турлари билан шуғулланувчи ёш спортчиларда техник ҳаракатларнинг базавий элементларини такомиллаштириш услубиятини ишлаб чиқиш масаласи долзарблиқ касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан кейинги йилларда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш ҳамда оммавийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Индонезия пойтахти Жакартада ўтказилган VIII Осиё ўйинларида етмишта медал, албатта, бизга ғурур ва ифтихор бағишлайди. Шу боис олий спортда эришилган ютуқлар билан чекланмасдан, оммавий спортга ҳам катта эътибор беришимиз керак¹”. Мамлакатимизда барча ҳудудларда миллий кураш спорт турининг инсон ва оила ҳаётидаги муҳим аҳамиятини тарғиб қилиш, ҳаётга катта умид билан кириб келаётган ёшларни зарарли одатлардан асраш, уларга ўз қобилиятлари ва истеъдодларини рўёбга чиқаришлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантириш масалаларига бағишланган” йиғилишдаги нутқи; 2018 йил 21 сентябр, Халқ сўзи газетаси, 1-2 бет.

бўйича бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтгача миллий кураш спорт тури билан шуғулланувчи ёш курашчиларда базавий элементларни шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан махсус тадқиқотлар ўтказилмаган. Мазкур ҳолат ушбу муаммонинг етарлича ўрганилмаганлиги ва уни ўрганиш ўта долзарб эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сонли “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 5 мартдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5368-сонли Фармони ҳамда шу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожлантириш вазирлигининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятнинг маънавий-ахлоқий ва маданий ривожланиши, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ёш курашчиларда базавий элементларни шакллантириш масалалари мутахассислар эътиборидан четда қолган. Ушбу муаммони ўрганиб чиққан хорижий олимлар орасида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин: А.А.Новиков, Б.А.Подливаев, Ю.А.Шахмурадов, Ч.Т.Иванков, Г.С.Туманян, В.А.Воробьев². Мазкур муаммонинг ҳал қилинишига ўз ҳиссаларини қўшган ватанимиз олимларидан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: Ф.А.Керимов, Н.А.Керимов, А.Абдуллаев, В.А.Ким, Р.С.Саломов, А.Р.Таймуродов, Н.П.Тастанов, Ш.А.Мирзакулов, Ш.А.Абдуллаев³.

Бироқ бугунги кунга қадар ёш курашчиларда самарали базавий

²Новиков А.А. Педагогические основы технико-тактического мастерства в спортивных единоборствах (на примере спортивной борьбы): Автореф. дис. ...д-ра пед. наук. – М., 2000. – 62 с.; Подливаев Б.А. Моделирование тренировочных заданий в спортивной борьбе // Теория и практика физической культуры. - 1999. – № 2. – С.55; Шахмурадов Ю.А. Научно-методические основы многолетней технико-тактической подготовки борцов (на примере вольной борьбы): Автореф. дис. ...д-ра пед. наук. – М., 1999. – 60 с.; Иванков Ч.Т. Теоретические основы методики физического воспитания. – М.: Инсан, 2000. – 352 с.; Туманян Г.С. Спортивная борьба: теория, методика, организация тренировки. – М.: Советский спорт, 2000. – 288 с.; Воробьев В.А. Научно-методологические основы подготовки юных борцов: Монография. –СПб.: “Олимп-СПб”, 2007. – 80 с.

³Керимов Ф.А. Методика обучения технико-тактическим действиям в вольной борьбе: Автореф. дис. ...канд. пед. наук. – М., 1984. – 24 с.; Керимов Н.А. Программированное обучение технико-тактическим действиям в спортивной борьбе: Автореф. дис. ...канд. пед. наук. – М., 1990. – 24 с. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти. – Т.: ЎзДЖТИ, 2011. – 286 с.; Керимов Ф.А. Спорт соҳасидаги илмий тадқиқотлар. – Т.: ЎзДЖТИ, 2016. – 263 с.; Абдуллаев А., Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. – Т.: ИТА-пресс, 2018. – 232 с.; Ким В.А. Контратаки в дзюдо // Методы исследования и проблемы обучения. – Т., 2003. – С.188; Саломов Р.С. Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти. 1-жилд. – Т.: ИТА-пресс, 2018. – 296 б.; Таймуродов А.Р., Атажанов С.Ф. Кураш спорт педагогик маҳоратини ошириш. – Т.: ИТА-пресс, 2018. – 272 б.; Тастанов Н.П. Юнон-рим кураши назарияси ва услубияти. – Т.: ИТА-пресс, 2018. – 244 б.; Мирзакулов Ш.А., Мирзанов Ш.С. ва бошқ. Белбоғли кураш бўйича спорт педагогик маҳоратини ошириш. – Т.: ИТА-пресс, 2018. – 202 б.; Абдуллаев Ш.А., Холмуродов Л.З. Эркин кураш. – Т.: ИТА-пресс, 2018. – 132 б.

элементларни шакллантириш тизимли ва кенг қамровли тадқиқот предметига айланмаган.

Бугунги кунда ёш курашчиларни техник ҳаракатларга ўргатишни ташкил этиш жараёнига таъсир кўрсатадиган баъзи бир омилларнинг мавжудлиги уларнинг мусобақа фаолияти натижавийлигига салбий таъсирни ўрганишни тақозо этади.

Кураш спортида самарали техник ҳаракатларни шакллантириш муаммоси жуда долзарб. Илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ушбу муаммо етарлича ўрганилмаганлиги аниқланди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016–2019 йилларга мўлжалланган ИТИ режасининг “Ўсмирлар спорти ва олий малакали спортчиларни тайёрлашнинг психологик-педагогик ва физиологик-гигиеник асослари” йўналиши бўйича амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади ёш курашчиларда базавий элементларни шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

курашчиларнинг мусобақа фаолиятида базавий элементлардан фойдаланишнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

ёш курашчиларни мусобақага тайёрлаш ва уларнинг техник тайёргарлиги самарадорлигини тавсифловчи параметрларни аниқлаш;

ҳар хил техник тайёргарлик воситаларидан фойдаланган ҳолда ёш курашчиларга базавий элементларни ўргатишнинг бошланғич босқичида курашнинг техник-тактик ҳаракатларини шакллантиришга қаратилган услубиятни такомиллаштириш;

ёш курашчиларда турли тезликда ва оралиқ масофалардаги техник ҳаракатларнинг базавий элементларини бажариш усулларини тажрибада асослаш.

Тадқиқотнинг объекти БЎСМнинг ўқув-машғулот гуруҳларидаги ёш курашчиларни тайёрлаш бўйича ўқув-машғулот жараёни.

Тадқиқотнинг предмети ёш курашчиларда базавий элементларни шакллантиришга йўналтирилган техник тайёргарлик услубияти.

Тадқиқотнинг усуллари: илмий-услубий адабиётлар таҳлили, анкета сўровномаси, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, видеотаҳлил, педагогик тажриба, математик статистика усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

турли тайёргарликка эга бўлган ёш курашчиларда базавий техник элементларни шакллантиришда махсус ва акробатик машқларни қўллашнинг нисбий миқдорлари ва мураккаб хужум ҳаракатларининг сифат хусусиятлари аниқланган;

турли тайёргарлик босқичларида шуғулланувчи ёш курашчилар томонидан машғулотлар ва мусобақалар жараёнида бажарилган реал ҳужумлар сони, баҳоланган ҳужумлар сони, ҳужум ҳамда муваффақиятли ҳужум оралиғи ва ҳужум ҳаракатларининг ишончилиги кўрсаткичлари аниқланган;

бошланғич ўргатиш босқичида техник ҳаракатларни бажариш тезлиги (кичик, ўрта, юқори) ва рақиб қаршилиги (кичик, ўрта, юқори) ҳар ҳил бўлган шароитларда ёш курашчиларда базавий элементларни шакллантириш услубияти такомиллаштирилган;

ёш курашчиларда масофа тезлиги ва турли вазндаги рақибларга қарши базавий элементларни қўллаш техник ҳаракатларини шакллантиришнинг уч хил муддатдаги (ҳар ҳафтада, ҳар ойда, ҳар олти ойда) назоратини амалга ошириш услуби асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари. Олинган илмий тадқиқот натижалари болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ишлаш учун дастурий-услубий ҳужжатларни тўплашда, кураш бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмаларни тайёрлашда қўлланилган. Турли ёшдаги курашчилар мусобақа фаолиятининг аниқ кўрсаткичлари, мусобақа фаолиятининг индивидуал моделлари ишлаб чиқилган.

Кураш техникасининг базавий элементларини шакллантириш услубиятини қўллаш орқали ёш курашчиларнинг индивидуал техник ҳаракатларининг миқдорий кўрсаткичлари асослаб берилган.

Усулларни бажариш тезлиги, турли масофалар, рақибнинг бўйи ва вазни параметрлари ҳамда усулни бажариш жараёнидаги қаршилиқ даражасини инобатга олган ҳолда ёш курашчиларнинг техник ҳаракатлари такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқотларда олинган натижаларнинг ишончилиги назарий ва услубий база, илмий тадқиқотнинг мантиқий кетма-кетлиги, муаммоларни ҳал этиш усулларининг адекватлиги, тадқиқот мақсадлари, намунанинг етарли ҳажми ва репрезентативлиги, олинган маълумотларнинг компьютер техникаси ёрдамида тўғри қайта ишлаб чиқилганлиги билан таъминланган. Эмпирик тадқиқотлар орқали ўтказилган таҳлил натижалари мамлакатимиз ва хорижий олимларнинг тажрибавий маълумотлари билан таққосланган. Диссертацияда тақдим этилган хулосалар ва амалий тавсияларнинг ишончилиги ўқув-машғулот жараёнида ёш курашчиларда техник ҳаракатларни шакллантириш учун назария ва услубиятнинг концептуал муаммоларини ҳал қилиш зарурияти билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлардан олинган натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, курашдаги техник ҳаракатларнинг базавий элементларини шакллантиришнинг оптимал услубияти ишлаб чиқилган.

Курашдаги техник ҳаракатларнинг базавий элементларини самарали шакллантириш учун турли машқлар жамланмасидан фойдаланишнинг

тизимли-тузулмавий хусусиятлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шуки, турли ёш гуруҳидаги курашчиларнинг мусобақа фаолиятини таҳлил қилиш курашчиларнинг индивидуал ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мусобақа фаолиятининг модел тавсифларини ишлаб чиқишга имкон берган, ёш курашчилар мусобақа фаолиятидаги техник-тактик кўрсаткичларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик кўрсаткичлари билан ўзаро боғлиқлиги асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ёш курашчиларда базавий элементларни шакллантиришнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш бўйича ўтказилган тажрибалар асосида:

ёш курашчиларда базавий элементларни шакллантиришда ишлаб чиқилган махсус восита ва услублар болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида шуғулланувчи спортчиларнинг машғулотлар жараёнига татбиқ этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 01-04/04-928-сон маълумотномаси). Натижада ёш курашчиларнинг оёқ болдири билан ичкаридан оёқни илиб олиш ҳаракатлари самарадорлиги 12-14%га, болдир билан ташқаридан олиш ва кўкракдан олиб олиш ҳаракатлари 21-24%га яхшиланган;

ёш курашчиларининг техник элементларини шакллантириш восита ва усуллари Нукус Олимпия захиралари коллежи ўқувчиларининг ўқув-машғулотлари жараёнига татбиқ этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2018 йил 14 июндаги 01-04/04-928-сон маълумотномаси). Натижада умумий жисмоний тайёргарлик 11-15%га, махсус жисмоний тайёргарлик 12,4% га ошишига хизмат қилган;

бошланғич ўргатиш босқичида техник ҳаракатларни бажариш тезлиги ва рақиб қаршилиги ҳар хил бўлган шароитларда базавий элементларини шакллантириш услубияти ёш курашчиларнинг ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2018 йил 9 апрелдаги 01-07-0890-сон маълумотномаси). Натижада ёш курашчиларда ичкаридан ушлаш 15,4-17,2%га, икки оёқ пастидан кўшша ва белдан ошириб ташлаш ҳаракатлари 21-23%га, орқадан чалиш 14-15,2%га, болдир билан ичкаридан чил солиш ҳаракати 11-13% га яхшиланган;

масофа тезлиги ва турли вазндаги рақибларга қарши базавий элементларни кўллаш техник ҳаракатларини шакллантиришнинг услуби ёш курашчиларнинг ўқув-машғулотлар жараёнига татбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитасининг 2018 йил 9 апрелдаги 01-07-0890-сон маълумотномаси). Натижада курашчиларда тиззани ярим букиб, елкадан ошириб ташлаш ҳаракати 17-19%га, елкадан ошириб ташлаш ҳаракати 13-15%га, олдиндан чалиш ҳаракати 19-21%га такомиллашишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг асосий ҳолатлари ва натижалари 3 та халқаро, 6 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 43 илмий-услубий иш, жумладан, 3 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 8 мақола (5 та Республика ва 3 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 153 саҳифани ташкил этиб, 12 та расм, 11 та жадвал, илова ва далолатномаларни ўз ичига олади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, тадқиқотнинг вазифалари, тадқиқотнинг объекти, тадқиқотнинг предмети, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқотнинг амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Кураш спортида техник-тактик ҳаракатларни шакллантиришнинг илмий асослари”** деб номланган биринчи бобида ҳар хил кураш турларида мусобақа фаолиятининг таҳлили, кураш спортидаги мусобақа фаолиятининг таҳлили, курашчиларнинг техник-тактик тайёргарлиги воситалари ва услублари, курашчиларни техник-тактик ҳаракатларнинг базавий элементларига ўргатиш услубияти, ёш курашчиларда базавий элементларни шакллантириш услубияти, ўқув-машғулот жараёнида мусобақа фаолиятининг хусусиятларини моделлаштириш масалалари кўриб чиқилган.

Адабиётлардаги маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мутахассислар курашнинг турли хил турлари бўйича техник-тактик ҳаракатларни шакллантиришнинг бир-биридан фарқли усуллари бор, деган умумий фикр билдирадilar.

Илмий тадқиқотлар кураш спортида узоқ муддатли машғулот жараёнининг турли босқичларида оқилона услубларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш имконини берди.


Ушбу масаланинг ўрганиш ҳолатини таҳлил қилиш базавий элементларни ўзлаштиришнинг дастлабки босқичларида спортнинг ривожланиш тенденциялари ва мусобақа фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ёш курашчиларнинг ўқув-машғулот жараёнини оптималлаштириш ва энг муҳими, ҳаракат малакаларини шакллантириш жараёнини бошқариш имконини беради, деган хулосага олиб келди.

Кураш спорти ривожланишининг замонавий босқичида кураш олишувининг жадаллиги кучайди. Техник ҳаракатлар арсенали ва уларнинг хилма-хиллигининг ошиши тенденцияси кузатилмоқда. Спорт маҳоратининг ўсиши учун техник ҳаракатларни ўргатишнинг самарали услубиятини ишлаб чиқиш, курашчилар томонидан мусобақаларда муваффақиятли қўлланиладиган бундай техник ҳаракатларни ўрганиш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Курашда машғулот жараёнининг самарадорлигини янада ошириш кўп жиҳатдан техник ҳаракатларни ўргатиш услубиятини такомиллаштириш билан боғлиқ.

Ўрганилаётган муаммо бўйича илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, мутахассислар курашнинг техник ҳаракатларини ўргатиш учун қўлланиладиган услуб ва услубиятларнинг кўплаб масалалари бўйича умумий фикрга эга эмаслар. Буни шундай тушуниш мумкинки, ушбу масала етарлича ўрганилмаган.

Кўп йиллик машғулот жараёнида спорт кураши усулларини ўргатиш кетма-кетлигини кузатиш асносида Г.С.Туманян машғулотнинг дастлабки босқичлариданоқ курашнинг оқилона базавий техникасини ўргатиш керак, деган фикрга келади (1-расм).



1- расм. Г.С. Туманян бўйича кўп йиллик техник тайёргарлик босқичларида турли йўналишдаги машғулотларга вақт сарфлашнинг намунавий нисбати ҳақида график тасаввур (босқичлар конфигурацияси иш ҳажмининг тавсия этилаётган динамикасини ифодалайди).

Муаллиф ўз хулосасини физиологик нуқтаи назардан дастлабки ўргатиш давридаги биринчи қўзғатувчининг устун таъсири сифатида асослайди. Энг муҳими, биринчи қўзғатувчи бош мия қобиғида катта барқарорлик билан ажралиб турувчи тегишли боғлиқликларнинг шаклланишига ёрдам беради.

Бир қатор мутахассислар спорт курашида техник ҳаракатларга ўргатиш кўп жиҳатдан яқунловчи техник ҳаракат ҳисобланган усулларни ўрганишга йўналтирилган деб ҳисоблашади ва мураббийлар машғулотнинг фақат 20 % вақтини стандарт ҳолатлардан усулларни ўрганишга сарфлайдилар. Бироқ мураббийлар техник ҳаракатларни ўтказиш учун қулай шарт-шароитлар яратишни ўргатишга машғулотларнинг 2–3 фоизини ажратадилар.

Маълумки, ҳаракат кўникмасини шакллантиришда кўплаб такрорлаш орқали такомиллаштирилган биринчи таассурот устун бўлиб қолиши ва келгуси мусобақа фаолиятида қўлланилишини инобатга олиш керак.

Демак, техник ҳаракатларнинг базавий элементларини дастлабки ўргатиш услубиятини қайта қуриш зарурки, уни мусобақада муваффақиятли қўллаш мумкин бўлган усулларни, яъни курашнинг замонавий ривожланиш босқичида мусобақалар шароитида самарали бўлган техник ҳаракатларни ўзлаштиришга йўналтириш керак.

Илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш жараёнида ёш курашчиларда турли воситалардан фойдаланган ҳолда базавий элементларни шакллантириш муаммоси бўйича экспериментал базанинг йўқлиги аниқланди. Ушбу масалалар биз ўрганиб чиққан мавжуд илмий адабиётларда ўз аксини топмаган, бу эса мазкур тадқиқот мавзусининг танланишини асослаб беради.

Диссертациянинг **“Тадқиқот усуллари ва уни ташкиллаштириш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг ташкил қилиниши, курашчиларнинг техник ҳаракатларини қайд қилиш имконини берувчи махсус услуб ёрдамида мусобақа фаолиятини педагогик кузатиш, ёш курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги даражасини педагогик тестлар ёрдамида аниқлаш, тадқиқот натижаларининг математик-статистик таҳлили диссертация ишини бажариш учун қўлланилган илмий тадқиқот услублари кўриб чиқилган. Ёш курашчиларнинг мусобақа фаолиятини таҳлил қилиш ва тадқиқот натижаларини математик жиҳатдан қайта ишлашнинг оригинал услуби тақдим этилган. Ёш курашчиларнинг умумий жисмоний ва махсус жисмоний тайёргарлигини баҳолаш учун тестлар келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Курашчилар томонидан мусобақа фаолиятида қўлланиладиган базавий элементларни аниқлаш учун тасдиқловчи тажрибани ташкил қилиш”** деб номланган учинчи бобида кураш бўйича етакчи мураббийларнинг амалий тажрибаси таҳлили, юқори малакали курашчиларнинг мусобақа фаолияти таҳлили, ҳар хил ёшдаги курашчиларнинг техник-тактик ҳаракатлари хусусиятлари уч хил ёш гуруҳидаги курашчиларнинг мусобақа фаолияти таҳлили ва курашчилар

билан ишлайдиган етакчи мураббийлар ўртасидаги сўровнома натижалари тақдим этилган.

Сўровнома универсал тадқиқот усули ҳисобланади, чунки у кўп сонли респондентларни қамраб олади, бир вақтнинг ўзида кенг қамровли масалаларни кўриб чиқади ва муҳим умумлаштиришларга имкон беради. Сўровнома 126 нафар кураш бўйича мураббийлар ўртасида ўтказилди. Сўровномада 3 йилдан кам бўлмаган иш стажига эга барча мураббийлар қатнашди, уларнинг барчаси кураш бўйича спорт устаси даражасига эга.

Сўровнома натижаларига кўра, кураш мураббийлари ўртасида ёш курашчиларда техник-тактик ҳаракатларнинг базавий элементларини шакллантиришга қаратилган ўқув-машғулот жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича ягона фикр мавжуд эмаслиги аниқланди, шунинг учун ушбу муаммони ўрганиш долзарб ҳисобланади ва кенг қамровли тадқиқотлар ўтказишни талаб қилади. Олий ўқув юртларида кураш мураббийларини тайёрлаш тизими ҳам янада такомиллаштирилиши талаб этилади.

1-жадвал

12–13 ёшли курашчиларнинг мусобақа фаолияти шароитларидаги техник-тактик ҳаракатларнинг асосий параметрлари динамикаси (n = 34)

№	Усуллар	Техник-тактик ҳаракатлар параметрлари				
		m	n	Na	Ta	ty
1	Тиззани ярим букиб, елкадан ошириб ташлаш	18	7	0,38	0,22	0,57
2	Елкадан ошириб ташлаш	26	8	0,30	0,15	0,5
3	Олдиндан чалиш	13	4	0,31	0,31	1,0
4	Ичкаридан қўшша	8	2	0,25	0,5	2,0
5	Икки оёқ пастидан қўшша	12	4	0,33	0,33	1,0
6	Белдан ошириб ташлаш	14	5	0,35	0,28	0,8
7	Орқадан чалиш	8	3	0,37	0,5	1,3
8	Болдир билан ичкаридан чил солиш	9	2	0,22	0,44	2,0
9	Оёқ болдири билан ичкаридан оёқни илиб олиш	11	3	0,27	0,36	1,33
10	Болдир билан ташқаридан илиш	6	1	0,16	0,66	4,0
11	Кўкракдан олиб отиш	8	3	0,37	0,5	1,33
12	Ён томондан супуриб ташлаш	11	4	0,36	0,37	1,0
13	Олдиан супурма	9	3	0,33	0,44	1,33
14	Ичкаридан супурма	7	2	0,28	0,57	2,0
15	Ташқаридан оёқ юзаси билан илдириш	8	1	0,12	0,5	4,0
16	Ичкаридан оёқ юзаси билан илдириш	6	1	0,16	0,66	4,0
17	Рақибни мувозанатдан чиқариб улоқтириш	12	3	0,25	0,33	1,33

Изоҳ 1.: m – реал ҳужумлар сони; n – баҳоланган ҳужумлар сони; Na – ҳужум ишончлилиги; ta – ҳужум оралиги; ty – муваффақиятли ҳужум оралиги.

Мусобақа шароитларида курашчиларнинг техник ҳаракатларини ўрганиш учун қуйидаги кўрсаткичлар қўлланилди: реал ҳужумлар сони (муваффақиятлиси ҳам, муваффақиятсизиси ҳам) (m), баҳоланган ҳужумлар

сони (n), ҳужум ишончилиги (Na), ҳужум оралиғи (ta), муваффақиятли ҳужум оралиғи (ty) (1-жадвалга қаранг).

Учта ёш гуруҳида (12–13, 13–14 ва 14–15 ёш) мусобақа фаолиятини таҳлил қилиш натижасида мусобақа фаолиятини олиб бориш учун курашчилар томонидан 17 та усул ва 52 хил уларнинг комбинациялари қўлланилганлиги аниқланди. Ҳар хил ёш гуруҳларида техник ҳаракатлардан фойдаланишнинг бир қатор хусусиятлари аниқланди. 12–13 ёш гуруҳида ёш курашчилар орасида энг кўп ишлатиладиган усуллар қаторига қуйидагилар кирди (1 жадвал): белдан ошириб ташлаш – 13,8%, олдиндан чалиш – 13,4%, болдир билан ичкаридан чил солиш – 7,3%, орқадан чалиш – 6,9%. Гуруҳда белдан ошириб ташлаш (12,2%), ичкаридан оёқ юзаси билан илдириш (15,7%), рақибни мувозанатдан чиқариб улоқтириш (22,6%), кўкракдан олиб олиш (23,8%), ташқаридан оёқ юзаси билан илиш (30,7%), ён томондан супуриб ташлаш (27,5%) энг самарали бўлди.

1-жадвалнинг таҳлили мусобақа шароитларидаги энг самарали техник ҳаракатларни кўрсатмоқда. Ушбу ёшда техник ҳаракатларнинг ўртача самарадорлиги биз кўриб чиққан учта ёш гуруҳининг энг кичик қиймат даражасига эга бўлиб, 12–13 ва 14–15 ёш гуруҳларида статистик жиҳатдан муҳим фарқлар ($p < 0,05$) кузатилади.

Учта ёш гуруҳида мусобақа фаолиятини таҳлил қилиш қуйидаги хусусиятларни аниқлаб берди:

1) техник ҳаракатлардан фойдаланиш курашчининг ёши ва тайёргарлигига боғлиқ;

2) техник ҳаракатларни қўллаш самарадорлиги ёш ўтиши билан ўзгармайди, лекин уларни қўллаш частотаси ўзгаради;

3) учта ёш гуруҳи спортчилари техник ҳаракатларни ўтказиш учун қулай шароитлардан самарали фойдаланишмайди.

Диссертациянинг “**Ёш курашчиларда техник-тактик ҳаракатларнинг базавий элементларини шакллантириш услубиятини тажрибада текшириш**” деб номланган тўртинчи бобида ёш курашчиларда техник-тактик ҳаракатларнинг базавий элементларини шакллантириш бўйича тажриба дастурини тузиш ва бошқариш хусусиятлари, бошланғич тайёргарлик гуруҳи учун тажрибавий дастурнинг тузилиши берилган, педагогик тажриба натижалари асосида ишлаб чиқилган услубиятнинг самарадорлиги аниқланган.

Илгари сурилган ишчи фаразни тажриба асосида тадқиқ қилиш мақсадида педагогик тажриба ўтказилди. Ҳар бирида ўн уч нафар спортчи бўлган иккита тажриба ва назорат гуруҳи ташкил қилинди. Назорат гуруҳида машғулотлар анъанавий услубият бўйича ўтказилди, тажриба гуруҳида биз томонимиздан ишлаб чиқилган дастурга мувофиқ машғулотлар олиб борилди. Дастур мусобақа фаолиятини моделлаштирувчи турли хил шароитларда ўрганилаётган техник ҳаракатни бажаришни ўз ичига олди.

Масалан, ўрганилаётган техник ҳаракатни бажариш турли масофалардан (яқин, ўрта, узок) ва усулни бажаришнинг турли тезликларида (кичик, ўрта, катта) такомиллаштирилди. Усулларни бажаришнинг мумкин бўлган вариантлари 2- жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Турли тезликлар ва курашчиларнинг оралик масофаларида кураш техник ҳаракатларини бажаришнинг мумкин бўлган вариантлари

Курашчиларнинг оралик масофалари	Яқин	ТТХни бажариш тезлиги		
		Кичик	Ўрта	Катта
		Ўрта	1	2
	Узок	4	5	6
		7	8	9

Юқоридаги жадвалдан кўришиб турибдики, турли тезликлар ва курашчиларнинг оралик масофаларида кураш техник ҳаракатларини бажариш вариантларининг сони тўққизтадир. Мазкур жадвалга таяниб, ўрганилаётган техник ҳаракатларни такомиллаштириш мақсадида машқларни қуйидаги нисбатларда танлаб олдик:

1) техник ҳаракатлар базавий элементларининг бажарилиш тезлиги ва рақиб қаршилиги (кичик, ўрта, катта);

2) техник ҳаракатлар базавий элементларининг бажарилиш тезлиги ва рақибнинг вазн тоифаси (меъёрдан кам, меъёр, меъёрдан ортик);

3) техник ҳаракатлар базавий элементларининг бажарилиш тезлиги ва рақибнинг бўйи (паст бўйли, бир хил, баланд бўйли);

4) турли оралик масофалар ва рақибнинг қаршилиги;


5) турли оралик масофалар ва рақибнинг вазн тоифаси (меъёрдан кам, меъёр, меъёрдан ортик);

6) турли оралик масофалар ва рақибнинг бўйи (паст бўйли, бир хил, баланд бўйли).

Шундай қилиб, мураббий юқорида айтиб ўтилган техник ҳаракатларни ўргатишни ташкил этиш схемасидан фойдаланиб, ҳар бир техник элементни турли позицияларда ва комбинацияларда такомиллаштиришни режалаштириши мумкин, бу эса кураш олишувининг турли хил вазиятларида техник ҳаракатларнинг бажарилиш сонини кўпайтириш имконини беради (2-расм).

Биз томонимиздан курашда техник ҳаракатларнинг базавий элементларини изчил ўргатиш ва такомиллаштириш услубияти таклиф этилди. Ишлаб чиқилган услубиятдан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлигини тажрибада асослаш учун педагогик тажриба ташкил этилди.

Ёш курашчилар билан ўтказилган педагогик тажрибада курашчиларни ўргатиш натижавийлиги техник ҳаракатлар сони билан эмас, балки ўқув-машғулот жараёнида динамик вазиятларни амалга ошириш сифати билан аниқланиши исботланди. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган техник ҳаракатларни ўргатиш услубияти ҳаракат малакасини шакллантириш жараёнини янада самарали бошқаришга ёрдам беради.



2-расм. Курашчилар техник ҳаракатларининг базавий элементлари схемаси

Изоҳ 2.:ТХни бажариш тезлиги – кичик, ўрта, катта; оралик масофа – яқин, ўрта, узоқ; рақибнинг вазн тоифаси – меъёрдан кам, меъёр, меъёрдан ортиқ; рақибнинг бўйи – паст бўйли, бир хил, баланд бўйли; рақибнинг қаршилиги – кичик, ўрта, катта.

Ёш курашчиларда техник ҳаракатларнинг базавий элементларини шакллантириш хусусиятларини баҳолаш учун биз томонимиздан махсус мезонлар ишлаб чиқилди. Ушбу мезонлардан фойдаланган ҳолда уч нафар мустақил эксперт ёш курашчиларда техник ҳаракатларнинг ўзлаштирилиш даражасини баҳолади. Тўққиз ой давомида экспертлар тажриба гуруҳида ҳам, назорат гуруҳида ҳам ҳаракат амалининг ўзлаштирилиш даражасини баҳолаб бердилар.

Тадқиқотларимиз давомида техник-тактик тайёргарлик

кўрсаткичларининг мусобақа беллашувини ўтказиш услубига боғлиқлиги аниқланди. Буларнинг барчаси аниқ динамик вазиятларни яратиш йўли орқали амалга оширилади ва мусобақа юкламаси даражаси билан аниқланади, чунки ҳужум қилаётган курашчи ҳаракатни бажариш жараёнида ҳолатини ўзгартиради. Ҳолатнинг ҳар қандай ўзгариши эса ҳужум ҳаракатларини ўтказиш самарадорлигини белгилаб беради ва, биринчи навбатда, гавда айрим қисмлари дастлабки ҳолатининг ўзгариши ушлаб олиш ҳаракатининг бажарилишига таъсир қилади.

3-жадвал

Тажриба бошида курашчиларнинг умумий ва махсус жисмоний тайёргарлиги динамикаси (n = 26)

№	Тест номи	Гуруҳлар	Статистик кўрсаткичлар			
			$\bar{x} \pm \sigma$	v%	t	p
1	30 м.га югуриш (сония)	НГ	5,7 ± 0,48	8,4	0,83	>0,05
		ТГ	5,8 ± 0,41	7,1		
2	Жойидан туриб узунликка сакраш (см)	НГ	156,4 ± 14,38	9,2	0,49	>0,05
		ТГ	154,3 ± 15,89	10,3		
3	Ерга таянган ҳолда кўлларни букиб-ёзиш (марта)	НГ	14,7 ± 1,27	8,7	1,20	>0,05
		ТГ	15,2 ± 1,70	11,2		
4	20 сония давомида чалқанча ётган ҳолда гавдани букиш (марта)	НГ	10,6 ± 0,73	6,9	0,92	>0,05
		ТГ	10,3 ± 0,92	8,9		
5	20 сония давомида турникда осилган ҳолда кўлларни букиб-ёзиш (марта)	НГ	4,5 ± 0,39	8,6	1,92	>0,05
		ТГ	4,8 ± 0,42	8,7		
6	3x10 м.га моқисмон югуриш (сония)	НГ	8,4 ± 0,62	7,4	1,80	>0,05
		ТГ	8,8 ± 0,51	5,8		
7	Кураш кўприги ҳолатида 5 марта чапга, 5 марта ўнгга югуриш (сония)	НГ	21,2 ± 1,99	9,4	0,36	>0,05
		ТГ	20,8 ± 1,62	7,8		
8	10 марта кураш кўпригида айланиш (сония)	НГ	35,5 ± 3,72	10,5	0,58	>0,05
		ТГ	36,3 ± 3,19	8,8		
9	10 марта олдинга умбалок ошиш (сония)	НГ	18,7 ± 1,21	6,5	0,96	>0,05
		ТГ	18,2 ± 1,43	7,9		
10	Тик турган ҳолатдан кураш кўпригига тушиш ва исталган тарафга югурган ҳолда кўприкдан дастлабки ҳолатга қайтиш (5 марта) сония	НГ	17,4 ± 1,09	6,3	0,99	>0,05
		ТГ	17,9 ± 1,44	8,1		
11	20 сония давомида елкадан ошириб ташлаш (марта)	НГ	4,6 ± 0,47	10,2	1,10	>0,05
		ТГ	4,8 ± 0,46	9,5		

Изоҳ 3.: \bar{x} – ўртача арифметика; $\pm \sigma$ - ўртача квадрат оғиш; v – вариация коэффиценти; t – Стьюдент мезони; p – фарқли кўрсаткич.

Ўтказилган педагогик тажриба натижасига кўра шу нарса аниқландики, курашчилар мусобақа фаолиятининг натижавийлиги техник ҳаракатлар сони

билан эмас, балки беллашув шароитларида динамик вазиятларни амалга ошириш сифати билан аниқланади. Қонуниятларни аниқлаштириш курашчилар мусобақа фаолияти тавсифлари ҳақидаги назарий тасаввурларни маълум даражада аниқлаштиришга имкон беради ва спортчилар фаолиятини анча самарали бошқаришни таъминлайди.

Назорат ва тажриба гуруҳларида дастлабки текширишлар вақтида умумий ва махсус жисмоний тайёргарлик даражасини аниқлаш учун бир қатор тестлар қўлланилди.

Дастлабки текширувларнинг қиёсий таҳлили назорат ва тажриба гуруҳлари спортчилари ўртасида статистик жиҳатдан аҳамиятли фарқларни ($p > 0,05$) кўрсатмади, бу уларнинг тайёргарликлари бир хиллиги ҳақида гапириш имконини беради (3-жадвал).

4-жадвал

